

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАДЖАБОВА ДИЛОРОМ ДЖАЛИЛОВНА

**АМБУЛАТОР ПОЛИКЛИНИКА ШАРОИТИДА ХОЛЕСТАТИК
СИНДРОМНИНГ ИММУНО-БИОКИМЁВИЙ ДИАГНОСТИКАСИДА
ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Раджабова Дилором Джалиловна

Амбулатор поликлиника шароитида холестатик синдромни иммуно-
биокимёвий диагностикасида инновацион ёндашув3

Раджабова Дилором Джалиловна

Инновационный подход к иммуно-биохимической диагностике
холестатического синдрома в условиях амбулаторной поликлиники31

Radjabova Dilorom Jalilovna

Innovative approach to immuno-biochemical diagnostics of cholestatic syndrome
in an outpatient clinic59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works64

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАДЖАБОВА ДИЛОРОМ ДЖАЛИЛОВНА

**АМБУЛАТОР ПОЛИКЛИНИКА ШАРОИТИДА ХОЛЕСТАТИК
СИНДРОМНИНГ ИММУНО-БИОКИМЁВИЙ ДИАГНОСТИКАСИДА
ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.PhD/Tib3658 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immuno.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Наврүзова Шакар Истамовна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Зиёдуллаев Шухрат Худайбердиевич,**
тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Татаурщикова Наталья Станиславовна,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти хузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74.Тел./факс +99871-207-08-30, e-mail: immunology@immuno.uz).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74.Тел./факс: +99871-207-08-30.

Диссертация автореферати 2025 йил « ____ » _____ кунни тарқатилди.
(2025 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У. Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Х.М. Хатамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.А. Исмаилова

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда жигар касалликлари ва уларнинг оқибатлари муҳим тиббий ва ижтимоий муаммо бўлиб қолмоқда. Касаллик оғир кечиши, беморлар ҳаёт сифатининг пасайиши ва оғир оқибатлари билан фарқланади. Жигарнинг холестатик касалликлари турли патоген сабаблардан келиб чиқадиган бир қатор органик шикастланишлар, метаболик бузилишлар ва гепатобилиар тизимдаги дисфункцияларни қамраб олади. Жигар касалликларини эрта ташхислашда ёрдам берадиган, айниқса холестаза синдромида жигар циррози маркерларини амбулатория шароитида аниқлаш катта аҳамиятга эга. Баъзи муаллифлар берган маълумотларга кўра, «... иммунологик натижаларнинг диагностика аҳамияти, иммун-биокимёвий мезон сифатида ишлатиладиган янги биомаркерларни ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади»¹. Жигар касалликларининг оғир кечиши ва оқибатларининг кўплиги ўз навбатида, уни эрта ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида гепатобилиар касалликлари натижасида юзага келадиган асоратлар, жумладан жигар циррозининг ривожланиш хавфи, уни эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада холестаза этиопатогенезининг хусусиятларини аниқлаш, холестаза синдромида жигар циррози келиб чиқиши ва ривожланиш хавфи омилларини аниқлаш, беморларда иммун тизим цитокинлари миқдорини аниқлаш, турли цитокин генларининг молекуляр-генетик полиморфизминини аниқлаш, амбулатор шароитида аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлиги ва сифатини ошириш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда холестатик синдромда патологик ҳолатларни эрта ташхислаш, олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш ҳамда керакли профилактик тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимининг такомиллаштириш, жумладан гепатобилиар касалликлари ва уларнинг салбий оқибатларга олиб келадиган омилларни аниқлаш, эрта ташхислаш ва асоратларининг камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти таъсирдор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасининг босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатининг яхшилаш»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳоли саломатлигининг

¹Врожденный цитомегаловирусный гепатит: холестатический синдром и его коррекция Первишко О. В., Соболева Н. Г., Баум Т. Г., Волик Д. В., Калиновская Д. Ю. // Лечащий Врач. 2022; 2 (25): 20-24. DOI: 10.51793/OS.2022.25.2.003

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

мустаҳкамлаш, айниқса, амбулатор шароитида холестатик синдромни ташхислаш, ривожланишига таъсир қилувчи омилларнинг янги жиҳатларини аниқлаш ва даволашнинг юқори самарали замонавий усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикасида аҳолига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЦМВ гепатитидаги холестатик синдром узок давом этади ва тўлқинсимон характерга эга. Давомий холестаз синдромининг шаклланишига билирубин алмашинуви бузилиши билан боғлиқ ирсий касалликлар ҳам таъсир кўрсатади (хусусан, Жильбер синдроми) [Первишко О. В.,2022]. Холестазнинг дифференциал диагностикасига услубий изчил ёндашув қисқа вақт ичида тўғри ташхис қўйиш ва ўз вақтида адекват терапияни бошлаш имконини беради [Винницкая Е.В.,2019]. Холестаз синдромининг патогенезида генетик омиллар муҳим рол ўйнаши кўрсатилган. Оксил ташувчи генларининг аҳамияти аниқланган: ABCB4 (мутация ўт кислоталари билан боғланиш учун мавжуд бўлган фосфолипидларнинг етишмаслигига олиб келади), ABCB11 (жигар таркибидаги оксил синтези учун жавобгар бўлиб, унинг асосий роли жигар ҳужайраларидан ўт кислоталарини ташишни амалга ошириш) ва ATR8B1 (ўт кислоталари мувозанатини ва уларнинг интрагепатик холестаз синдроми билан алоқасини сақлашга ёрдам берадиган оксил учун жавобгар) [Д.Х. Калимуллина, Э.Т., 2014]

Жигар ичи оилавий холестази (ЖИОХ) - ўт кислоталари оқимининг бузилишига олиб келадиган аутосом рецессив ирсий касалликларнинг гетероген гуруҳига мансуб ҳисобланади. ЖИОХнинг частотаси, турли манбаларга кўра 1:50 000 дан 1:100 000 гача аниқланган. ATR8B1, ABCB11, ABCB4 оксил ташувчи генлар мутацияси I, II и III типдаги ЖИОХ ривожланишига олиб келади. II тип ЖИОХ тахминан 50% ҳолатларда аниқланади. Ушбу касаллик агрессив кечиши оқибатида жигар циррози гепатоцеллюляр карцинома хавфлари мавжуд[М.Е. Поляк, 2015].

Гаммаглутамилтранспептидаза фаоллиги 1 ва 2 турдаги прогрессияланувчи жигар ичи холестази (ПЖИХ) бўлган беморларда ўзгармайди, аммо 3 турдаги ПЖИХ бўлган беморларда сезиларли даражада ошади. Молекуляр генетик текширув натижасида АРТ8В1 ва АВСВ11 генларидаги гомозигот ҳолатидаги мутациялар аниқланди. 2-тоифа ПЖИХ билан оғриган беморларда жигар ўсмалари хавфи юқори бўлганлиги сабабли, эрта болаликдан кузатиб бориш тавсия этилади [Вольнец Г.В., Намазова-Баранова Л.С., 2016]. ПЖИХ билан оғриган беморларнинг аксарияти жигар трансплантациясига мухтож бўлади, чунки циррозга ўтиш билан жигарда тез ривожланадиган фибротик ўзгаришлар оқибатида гепатоцеллюляр карцинома каби асорат келиб чиқиши мумкин. Бу болаларда эрта ёшдан бошлаб ушбу патология шаклланишини инобатга олиб доимий равишда назорат қилиш зарурлигини белгилайди [Mali V.P., 2016, Охотников О.И., Яковлева М.В. 2017]. Жигар холестатик касалликлари (ЖХК) гепатобилиар тизимида ўт суюқлиги ишлаб чиқарилиши ва оқими бузилиши натижасида юзага келади. Узоқ муддатли доимий холестаз (бир неча ой ёки йиллар давомида) жигар циррозининг ривожланишига олиб келиши мумкин [Sherlock S, Dooley J. 2019].

Муаммо бўйича илмий-тадқиқот ишлари бажарилган бўлса ҳам, аммо улар тарқоқ, масалага мажмуавий ёндошиш кузатилмаган, ХС бўлган беморларда иммун тизимга боғлиқ ҳолатлар қиёсий ўрганилмаган, айниқса цитокинлар профили ва ўсиш омилларига оид маълумотлар камлиги боис, ушбу мавзу бўйича бажариладиган илмий-тадқиқот ишлари ўз долзарблиги ва заруратини йўқотгани йўқ.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №10.2022 PhD 204-сонли «COVID-19 инфекциясидан кейин Бухоро минтақаси аҳолиси соғлиғига таъсир қилувчи организмнинг патологик ҳолатини эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади амбулатор поликлиника шароитида холестатик синдромни иммуно-биокимёвий диагностикасида инновацион ёндашувни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

беморлар ёши ва жинсини инобатга олган ҳолда холестатик синдромда тана масса индексини аниқлаш;

беморлар жинсини инобатга олган ҳолда билирубин алмашинуви кўрсаткичлари таҳлили асосида биокимёвий статусни баҳолаш;

холестатик синдромда ўсиш омиллари ва цитокинлар синтези ҳолатини аниқлаш;

беморлар жинсини инобатга олган ҳолда холестатик синдром оқибати ва оғирлик даражаси индикаторларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро шаҳар 1-сонли поликлиникаси назоратида бўлган 40-74 ёшдаги 3500 нафар беморлар

проспектив тахлили, улардан холестатик синдром ташхиси билан 120 нафар беморлар ва 120 нафар соғлом шахслар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар ва соғлом шахслар вена қони ва қон зардоби иммунологик ва биокимёвий тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, антропометрик, иммунологик, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор аёллар экстрагепатик холестазида ПЗЛП, умумий холестерин, гамма-глутамил трансептидаза (ГГТП), АСТ миқдорлари ва Ритис коэффицентининг ортиши фонида АЛТ ферменти миқдорининг ишонарли пасайиши, жигар ичи холестазида гамма-глутамил трансептидаза (ГГТП) ва ишқорий фосфатаза миқдорининг ортиши фонида жигар ферментлари АЛТ ва АСТ миқдорларининг ишонарли камайиши аниқланган;

илк бор эркакларда холестаза шаклига боғлиқ бўлмаган ҳолатда умумий билирубин, ПЗЛП ва ЮЗЛП миқдорларининг ортиши сабабли АЛТ миқдори ва атерогенлик индексининг пасайиши ҳамда ишқорий фосфатаза миқдорининг ортиши аниқланган;

илк бор аёлларда холестазининг экстрагепатик шаклида IL-1, IL-10, TGF- β 1 цитокинлар миқдорининг ортиши фонида IL-6 миқдорининг ишонарли камайиши, жигар ичи холестазида IL-1, IL-6, IL-10, TGF- β 1 цитокинлар миқдорларининг кескин ортиши исботланган;

илк бор экстрагепатик холестаза билан касалланган эркакларда цитокинлар (IL-1 ва IL-6) ва ўсиш омиллари (TGF- β 1 ва VEGF) миқдорлари ишонарли ортиши, жигар ичи холестазида цитокинлар (IL-1 ва IL-10) ва ўсиш омиллари (TGF- β 1 ва VEGF) ортиши фонида ва IL-6 концентрациясининг кескин камайиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

семизлик ва ортиқча вазни бўлган беморларда ҳаёт тарзи, биокимёвий ва иммун тизими фаолиятини мониторинг қилиш асосланган;

жигар циррози ва гепатобилиар тизими онкопатологияларини олдини олиш мақсадида ХС бўлган беморларда VEGFни динамикада аниқлаш асосланган;

ХС бўлган беморларда жигар циррозини олдини олиш учун ўсиш омиллари (TGF- β 1, VEGF) фаоллиги ва цитокинлар (IL-1, IL-6, IL-10) миқдорини тавсия этилган;

ХС бўлган беморларда жинсига боғлиқ касаллик оғирлик даражаси ва оқибатини аниқловчи индикаторлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, ҳомиладор ва эмизикли аёллар сонининг етарли эканлиги, клиник-лаборатор, иммунологик, ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар

томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти амбулатор поликлиника шароитида холестатик синдромни иммуно-биокимёвий диагностикасида инновацион ёндашув ишлаб чиқиш натижасида аёллар экстрагепатик ва жигар ичи холестазида ПЗЛП, умумий холестерин, гамма-глутамил трансептидаза (ГГТП), АСТ миқдорлари ва Ритис коэффициентининг ортиши фонида АЛТ ферменти миқдорининг ишонарли пасайиши, эркакларда холестаза шаклига боғлиқ бўлмаган холатда умумий билирубин, ПЗЛП ва ЮЗЛП миқдорларининг ортиши сабабли АЛТ миқдори ва атерогенлик индексининг пасайиши ҳамда ишқорий фосфатаза миқдорининг ортиши аниқланганлиги, холестазда цитокинлар (IL-1 ва IL-6) ва ўсиш омиллари (TGF-β1 ва VEGF) миқдорлари ишонарли исботланганлиги ва IL-6 концентрациясининг кескин камайиши аниқланганлиги касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ХС бўлган беморларда семизлик ва ортиқча вазни, хаёт тарзи, биокимёвий ва иммун тизими фаолиятини мониторинг қилиш асосланганлиги, жигар циррози ва гепатобилиар тизими онкопатологияларини олдини олиш мақсадида VEGFни динамикада аниқлаш асосланганлиги, жигар циррозини олдини олиш учун ўсиш омиллари (TGF-β1, VEGF) фаоллиги ва цитокинлар (IL-1, IL-6, IL-10) миқдорини тавсия этилганлиги ва ХС бўлган беморларда жинсига боғлиқ касаллик оғирлик даражаси ва оқибатини аниқловчи индикаторлар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.

Амбулатор поликлиника шароитида холестатик синдромни иммунобиокимёвий диагностикасида инновацион ёндашув бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилиги: илк бор аёллар экстрагепатик холестазида ПЗЛП, умумий холестерин, гамма-глутамил трансептидаза (ГГТП), АСТ миқдорлари ва Ритис коэффициентининг ортиши фонида АЛТ ферменти миқдорининг ишонарли пасайиши, жигар ичи холестазида гамма-глутамил трансептидаза (ГГТП) ва ишқорий фосфатаза миқдорининг ортиши фонида жигар ферментлари АЛТ ва АСТ миқдорларининг ишонарли камайиши аниқланганлиги бўйича «Амбулатория шароитида холестатик синдромни ташхислашга янги ёндашув» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти экспертлар кенгашининг 2024-йил 2-февралдаги №24-м/015 сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Бухоро вилояти Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 26.04.2024 йилдаги 458-2-33-ТВ/2024-сонли ва Бухоро вилояти Когон туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 01.05.2024 йилдаги 819-2-3-6-ТВ/2024-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 22-октябрдаги №7-сонли маълумотномаси); *иккинчи самарадорлиги:* олинган натижалар

амбулатория шароитида холестатик синдромни ўз вақтида аниқлаш, клиник-иммунологик ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, стационарда даволаниш муддатини қисқартириш ва ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Бухоро вилояти Вобкент ва Когон туманлари тиббиёт бирлашмалари амалий фаолиятларига жорий этилиши амбулатория шароитида холестатик синдромни ташхислашга янги ёндашув усулини қўллаш клиник-иммунологик хусусиятлари аниқлаш ва даволаш усулларини қўллаш хар бир беморга нисбатан 19173300 сум иқтисодий самарадорлик бериши асосланган. *Хулоса*: аёллар экстрагепатик холестазида ПЗЛП, умумий холестерин, гамма-глутамил транспептидаза (ГГТП), АСТ, АЛТ миқдорлари ва Ритис коэффициенти миқдорлари ўзгаришларига боғлиқлиги асосланган.

иккинчи илмий янгилиги: илк бор эркакларда холестаз шаклига боғлиқ бўлмаган холатда умумий билирубин, ПЗЛП ва ЮЗЛП миқдорларининг ортиши сабабли АЛТ миқдори ва атерогенлик индексининг пасайиши ҳамда ишқорий фосфатаза миқдорининг ортиши аниқланган;

бўйича «Амбулатория шароитида холестатик синдромни ташхислашга янги ёндашув» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти экспертлар кенгашининг 2024-йил 2-февралдаги №24-м/015 сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Бухоро вилояти Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 26.04.2024 йилдаги 458-2-33-ТВ/2024-сонли ва Бухоро вилояти Когон туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 01.05.2024 йилдаги 819-2-3-6-ТВ/2024-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 22-октябрдаги №7-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: олинган натижалар амбулатория шароитида холестатик синдромни ўз вақтида аниқлаш, клиник-иммунологик ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, стационарда даволаниш муддатини қисқартириш ва ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Бухоро вилояти Вобкент ва Когон туманлари тиббиёт бирлашмалари амалий фаолиятларига жорий этилиши амбулатория шароитида холестатик синдромни ташхислашга янги ёндашув усулини қўллаш клиник-иммунологик хусусиятлари аниқлаш ва даволаш усулларини қўллаш хар бир беморга нисбатан 19173300 сум иқтисодий самарадорлик бериши асосланган. *Хулоса*: эркакларда холестаз шаклига боғлиқ бўлмаган холатда умумий билирубин, ПЗЛП, ЮЗЛП миқдорлари, АЛТ миқдори ва атерогенлик индекси ҳамда ишқорий фосфатаза миқдорлари ўзгаришларига боғлиқлиги асосланган.

учинчи илмий янгилиги: илк бор аёлларда холестазнинг экстрагепатик шаклида IL-1, IL-10, TGF-β1 цитокинлар миқдорининг ортиши фонида IL-6

микдорининг ишонарли камайиши, жигар ичи холестазида IL-1, IL-6, IL-10, TGF- β 1 цитокинлар микдорларининг кескин ортиши исботланган;

бўйича «Амбулатория шароитида холестатик синдромни ташхислашга янги ёндашув» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти экспертлар кенгашининг 2024-йил 2-февралдаги №24-м/015 сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Бухоро вилояти Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 26.04.2024 йилдаги 458-2-33-ТВ/2024-сонли ва Бухоро вилояти Когон туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 01.05.2024 йилдаги 819-2-3-6-ТВ/2024-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 22-октябрдаги №7-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* олинган натижалар амбулатория шароитида холестатик синдромни ўз вақтида аниқлаш, клиник-иммунологик ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, стационарда даволаниш муддатини қисқартириш ва ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Бухоро вилояти Вобкент ва Когон туманлари тиббиёт бирлашмалари амалий фаолиятларига жорий этилиши амбулатория шароитида холестатик синдромни ташхислашга янги ёндашув усулини қўллаш клиник-иммунологик хусусиятлари аниқлаш ва даволаш усулларини қўллаш хар бир беморга нисбатан 19173300 сум иқтисодий самарадорлик бериши асосланган. *Хулоса:* аёлларда холестазнинг экстрагепатик ва жигар ичи холестазида шаклида IL-1, IL-6, IL-10, TGF- β 1 цитокинлар микдорлари ўзгаришларига боғлиқлиги асосланган.

тўртинчи илмий янгилиги: илк бор экстрагепатик холестаз билан касалланган эркакларда цитокинлар (IL-1 ва IL-6) ва ўсиш омиллари (TGF- β 1 ва VEGF) микдорлари ишонарли ортиши, жигар ичи холестазида цитокинлар (IL-1 ва IL-10) ва ўсиш омиллари (TGF- β 1 ва VEGF) ортиши фонида ва IL-6 концентрациясининг кескин камайиши аниқланганлиги бўйича «Амбулатория шароитида холестатик синдромни ташхислашга янги ёндашув» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти экспертлар кенгашининг 2024-йил 2-февралдаги №24-м/015 сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Бухоро вилояти Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 26.04.2024 йилдаги 458-2-33-ТВ/2024-сонли ва Бухоро вилояти Когон туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 01.05.2024 йилдаги 819-2-3-6-ТВ/2024-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 22-октябрдаги №7-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* олинган натижалар амбулатория шароитида холестатик синдромни ўз вақтида аниқлаш, клиник-иммунологик ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, стационарда даволаниш муддатини қисқартириш ва ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий

натижаларнинг Бухоро вилояти Вобкент ва Когон туманлари тиббиёт бирлашмалари амалий фаолиятларига жорий этилиши амбулатория шароитида холестатик синдромни ташхислашга янги ёндашув усулини қўллаш клиник-иммунологик хусусиятлари аниқлаш ва даволаш усулларини қўллаш ҳар бир беморга нисбатан 19173300 сум иқтисодий самарадорлик бериши асосланган. *Хулоса:* экстрагепатик ва жигар ичи холестази билан касалланган эркакларда цитокинлар (IL-1, IL-6 ва IL-10) ва ўсиш омиллари (TGF-β1 ва VEGF) миқдорлари ўзгаришларига боғлиқлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 3 та, жумладан 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларга мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари таърифланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш тизимининг амалиётига тадбиқ қилиш бўйича, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Холестатик синдром диагностикасига дифференциал ёндашув**» деб номланган биринчи бобида замонавий адабиётлар таҳлили, шу жумладан лаборатория диагностикасининг турли жиҳатлари, холестатик синдром ривожланишининг хавф омиллари ва холестатик синдромнинг шаклланишида жигар патологиясининг аҳамияти ўрганилган. Кейинги тадқиқотларни талаб қиладиган мунозарали масалалар келтирилган.

Диссертациянинг «**Клиник материал ва тадқиқот усулларининг хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий хусусиятлари ва махсус тадқиқот усуллари тавсифланган.

Ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ, тадқиқотга Бухоро шаҳар 1-сонли поликлиникаси ҳудудида истиқомат қилувчи 40-74 ёшдаги 3500 нафар киши жалб этилди ва режали профилактик кўрикдан ўтказилди. Барча текширилган беморларнинг 774 (22,2%) нафарида холестатик синдром (ХС) аниқланди. Амбулатор поликлиникада барча беморларда антропометрик,

умумий клиник, лаборатор, биокимёвий ва иммунологик текширишлар ўтказилди.

Касаллик давомийлиги $7,0 \pm 0,8$ йил (4 дан 12 гача). Ташхис халқаро касалликлар таснифига мувофиқ қўйилган ва беморлар 2 гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳ: 315 нафар жигардан ташқари холестази (40,7%). Шулардан - 169 нафар аёллар (53,6%); - 226 нафар эркеклар (46,4%); 2-гуруҳ: 459 нафар (59,3%) жигар ичи холестази бўлган беморлар, шулардан: 104 нафар (40,1%) аёллар; - 275 нафар (59,9%) эркекларни ташкил этган. Олинган антропометрик ўлчовлар маълумотлари асосида жисмоний ўсишнинг ўртача кўрсаткичлари белгиланган:

- ХС билан касалланган аёлларнинг бўйи ўртача 167,2 см, вазни -96,2 кг, бел айланаси - 95,4 см, сон айланаси -104,5 см;

- ХС билан касалланган эркекларнинг бўйи ўртача 176,2 см, вазни-99,4 кг, бел айланаси - 92,8 см, сон айланаси -88,8 см га тенг бўлган.

Беморларнинг ХС шаклига қараб БМИ бўйича тақсимланиши қуйидагиларни кўрсатган: 40-44 ёшдаги 1 гуруҳ эркеклариди БМИ ўртача-35,0 бўлиб, 1 даражали семизлик ташхиси қўйилган, бошқа ёш гуруҳларида БМИ 25 дан 30 гача бўлиб, ортиқча вазн ёки семизлик олди ҳолати мавжудлигини тасдиқлайди; 45-74 (45-59 ва 60-74) ёшдаги 2-гуруҳ эркекларда БМИ=30,1 ва 30,2 ни ташкил этган; ХС билан касалланган барча 1-гуруҳ аёлларда ортиқча вазн (семизлик олди ҳолати) БМИ = 25-29 аниқланган; 2-гуруҳ аёлларда 1-даражали семизлик ташхиси қўйилган: 45-59 ва 60-74 ёшда БМИ=30,4, 40- 44 ёшда БМИ=30,1 га тенг бўлган. Шундай қилиб, ортиқча вазн ва семизлик негизида кечадиган ХС хусусиятлари ўрганиб чиқилган. Гендер таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, 40 ёшдан бошлаб эркекларда метаболик синдром белгилари намоён бўлиши, ва мазкур ҳолат 1-гуруҳ аёлларда ҳам кузатилган. Метаболик синдром шаклланиши 2-гуруҳ беморларида аёлларда 40 ёшда, эркекларда эса 45 ёшдан бошлаб аниқланган.

Иммунологик таҳлиллар ЎР ФА Иммунология ва инсон геномикаси институтининг репродуктив иммунология лабораториясида ва Бухоро шаҳридаги “Стандарт диагностика” МЧЖ лабораториясида текширилган. Қонда цитокинлар (IL-1 β , IL-6, IL-10) ҳамда ўсиш ва зараланиш омиллари кўрсаткичлари (VEGF-томир эндотелини, TGF- β 1-фибробласт трансформацияловчи ўсиш омили- β 1) аниқланган. Қон таҳлиллари беморларнинг поликлиникага муружаат қилган пайтида олинган.

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили вариацион статистика услублари ёрдамида бажарилди. Фарқлар ишончилиги Стъюдент мезони асосида, асосий дисперсияларни меъёрий тақсимлаш ва тенглаштириш текширувида (F – Фишер мезони) хатолик эҳтимолининг ҳисобга олиниши (P) билан баҳоланди. Сведения считали достоверными при условии, когда $t \geq 2$, а $P < 0,05$.

Корреляцион таҳлиллар Спирмен (Rs) ва Пирсон (r) усулларини қўллаш орқали бажарилди. Чизикли корреляцион таҳлил абсолют белгилари бўйича қон кўрсаткичлари орасида тўғридан тўғри алоқани ўрнатиш имконини

берган. Боғлиқлик мезонлари Чеддок шкаласи бўйича баҳоланган (2015).

Диссертациянинг «Холестатик синдромда иммун-биокимёвий кўрсаткичлар» деб номланган учинчи бобида жинсни ҳисобга олган ҳолда беморлар ҳолатининг клиник хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

ХС билан оғриган беморларнинг биокимёвий статусини ўрганиш учун углевод ва липид алмашинувининг кўрсаткичлари ўрганилган. Тадқиқот гуруҳларини 60 нафар бемор аёллар ва 60 нафар бемор эркеклар, назорат гуруҳини эса 30 нафар соғлом аёллар (1-назорат гуруҳи) ва 30 нафар соғлом эркеклар (2-назорат гуруҳи) ташкил этган. Тадқиқотдаги бемор аёллар 2 гуруҳга тақсимланган: 30-нафар жигардан ташқари ХС (1-аёллар гуруҳи), 30-нафар жигар ичи ХС (2-аёллар гуруҳи). Бемор эркеклар ҳам шу тарзда тақсимланди: 30-нафар жигардан ташқари ХС (1-эркеклар гуруҳи), 30-нафар жигар ичи ХС (2-эркеклар гуруҳи).

Қон липид спектрини ўрганиш жараёнида аёлларда умумий холестерин даражасининг 1-гуруҳда $5,9 \pm 0,08$ ммоль/л, ва 2-гуруҳда $6,6 \pm 0,16$ ммоль/л бўлганлиги, назорат гуруҳига нисбатан - $5,31 \pm 0,13$ ммоль/л ($P < 0,05$), ошишини кўрсатган (1-жадвал, 1-расм).

1-жадвал

ХС билан касалланган аёлларда қон биокимёвий спектри, ($M \pm m$)

Кўрсаткичлар	1-назорат гуруҳи n=30	Аёллар	
		1-гр, n=30	2-гр, n=30
Глюкоза, г/л	$4,8 \pm 0,1$	$5,2 \pm 0,13^*$	$5,2 \pm 0,13^*$
Умумий холестерин, ммоль/л	$5,31 \pm 0,13$	$5,9 \pm 0,08^*$	$6,6 \pm 0,16^*$
ПЗЛП, ммоль/л	$2,3 \pm 0,82$	$4,0 \pm 0,09^*$	$4,0 \pm 0,06$
ЮЗЛП, ммоль/л	$1,7 \pm 2,4$	$1,8 \pm 0,04$	$2,1 \pm 0,05$
ТГ, ммоль/л	$1,34 \pm 0,04$	$1,5 \pm 0,07$	$1,4 \pm 0,2$
Атерогенлик индекси (х.б.)	2,12	2,28	2,14

Изоҳ: * - соғломлар гуруҳига нисбатан ишончли ($P < 0,05 - 0,001$)


ХС билан касалланган аёлларда ПЗЛП тахлили натижасида 1 гуруҳда $4,0 \pm 0,09$ ммоль/л гача, $p < 0,05$, ва 2 гуруҳда $4,0 \pm 0,06$ ммоль/л гача, назорат гуруҳига нисбатан - $2,3 \pm 0,82$ ммоль/л ишончли равишда ошиши аниқланган.

Бинобарин, олинган маълумотлар аёлларда ХС ривожланишининг дастлабки босқичида холестерин ва липидларнинг хужайра ва тўқима даражасида фаол транспортироваканини кўрсатади.

ЮЗЛП даражасини ўрганиш давомида бемор аёлларда кўрсаткичлар назорат гуруҳи қийматларига яқин эканлиги кузатилган: 1-гуруҳда $1,8 \pm 0,04$ ммоль/л гача ва 2-гуруҳда - $2,1 \pm 0,05$ ммоль/л гача, назорат гуруҳида эса - $1,7 \pm 2,4$ ммоль/л.

Иккала гуруҳдаги аёлларда ўтказилган тадқиқотларда ТГ қийматларининг назорат гуруҳидан деярли фарқи кузатилмаган: 1 гуруҳда ушбу кўрсаткич $1,56 \pm 0,8$ ммоль/л ва 2 гуруҳда $1,4 \pm 0,2$ ммоль/л, назорат гуруҳида эса $1,34 \pm 0,04$ ммоль/л, 1-расм.

Шу билан бирга, атерогенлик индекси (АИ) назорат қийматлари даражасида бўлиб, бу ХС бўлган аёлларда гиперхолестеринемия, ички аъзоларга липид транспортировкасининг фаоллашиши ва висцерал ёғнинг шаклланиши билан бирга келишини тасдиқлайди.



1-расм. ХС билан касалланган аёлларда қон липид спектри

Тадқиқотга жалб этилган эркакларнинг биокимёвий қон параметрлари натижаларини қиёсий таҳлили глюкозанинг сезиларли даражада ошганлигини кўрсатган: 1-гуруҳда $5,3 \pm 0,29$ г/л ва 2-гуруҳда $6,7 \pm 0,37$ г/л ($p < 0,05$) (2-жадвал.).

2-жадвал

ХС билан касалланган эркакларда қон биокимёвий спектри, (M ± m)


Кўрсаткичлар	2-назорат гуруҳи, n=30	Эркаклар	
		1-гр, n=30	2-гр, n=30
Глюкоза, г/л	$3,6 \pm 0,11$	$5,3 \pm 0,29^*$	$6,7 \pm 2,2^*$
Умумий холестерин, ммоль/л	$4,7 \pm 0,29$	$5,7 \pm 0,09^*$	$5,9 \pm 0,09^*$
ПЗЛП, ммоль/л	$2,1 \pm 0,12$	$3,9 \pm 0,07^{**}$	$4,0 \pm 0,06^{**}$
ЮЗЛП, ммоль/л	$1,2 \pm 0,19$	$2,2 \pm 0,07^*$	$2,1 \pm 0,09^*$
ТГ, ммоль/л	$1,2 \pm 0,2$	$1,3 \pm 0,06$	$1,8 \pm 0,14^*$
Атерогенлик индекси (х.б)	2,91	1,59	1,80

Изоҳ: * - соғломлар гуруҳига нисбатан ишончли ($P < 0,05$ - 0,001)

Эркакларда умумий холестериннинг ишончли даражада ошиши 1-гурухда $5,7 \pm 0,09$ ммоль/л ва 2-гурухда $5,9 \pm 0,09$ ммоль/л, назорат гурухида - $4,7 \pm 0,29$ ммоль/л кузатилган, $p < 0,05$, 2-расм.

ХС шаклидан қатъий назар, ПЗЛП нинг эркакларда 1 гурухда $3,9 \pm 0,07$ ммоль/л ва 2 гурухда $4,0 \pm 0,06$ ммоль/л эканлиги, назорат гурухига нисбатан - $2,1 \pm 0,12$ ммоль/л, ишончли равишда ошиши кузатилган ($p < 0,05$).

ПЗЛП қийматлари бўйича олинган натижалар эркакларда метаболик синдром ривожланиш хавфи юқори эканлигини кўрсатган.



2-расм. ХС билан касалланган эркакларда қон липид спектри

Бинобарин, эркакларда ХС метаболик синдром фонида содир бўлади. 1-гурух эркакларда ЮЗЛП даражаси $2,2 \pm 0,07$ ммоль/л ва 2-гурухда $2,1 \pm 0,09$ ммоль/л бўлганлиги ва назорат гурухига $1,2 \pm 0,19$ ммоль/л, $p < 0,05$ нисбатан ишончли даражада юқори эканлиги аниқланган.

Ушбу ўсиш тенденцияси 2-гурух эркакларида ТГ қийматларига нисбатан кузатилган: асосий гурухда $1,8 \pm 0,14$ ммоль/л, назорат гурухида эса - $1,2 \pm 0,2$ ммоль/л, $p < 0,05$.

Шундай қилиб, жигар ичи холестази бўлган эркакларда қонда ТГ даражасининг ошиши аниқланганлиги, таркибида ТГ кўп миқдорда бўлган озиқ овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш мониторингини талаб қилади. Эркакларда ЮЗЛП даражаси юқори бўлганлиги сабабли ва шунинг ҳисобига атерогенлик индекси пасайган: 1-гурухда 1,59 х.б. ва 2-гурухда 1,80 х.б. гача, назорат гурухида эса - 2,91 х.б. ташкил этган.

Олинган маълумотлар диабет олди ҳолат (гипергликемия) ва дислипидемия фонида эркакларда ХС кечишини исботлайди, кўрсаткичлар эркакларнинг иккала гурухида ҳам статистик аҳамиятга эга бўлган.

Билирубин алмашинуви кўрсаткичларини таҳлил қилиш 2-гурух аёлларида умумий билирубиннинг ошиши билан тавсифланади ва ушбу

кўрсаткич беморларда $29,9 \pm 0,86$ ммоль/л, назорат гуруҳида эса $-20,2 \pm 0,59$ ммоль/л га тенг бўлган, 3-жадвал.

1-гуруҳ аёлларда умумий билирубин концентрацияси назорат гуруҳига анологик натижаларни кўрсатган: $19,0 \pm 0,87$ ммоль/л ва $20,2 \pm 0,59$ ммоль/л.

Шу билан бирга, аланин аминотрансфераза (АЛТ) ферменти даражасида статистик жиҳатдан сезиларли пасайиш мавжуд бўлиб назорат гуруҳига нисбатан ($32,0 \pm 0,2$ ммоль/л) 1-гуруҳда 2,13 баравар ($P < 0,001$), ва 2-гуруҳда 1,19 баравар камайганлиги аниқланган ($P < 0,001$) (3-расм).


3-жадвал

ХС билан касалланган аёлларда қон биокимёвий спектри, (М ±m)

Кўрсаткичлар	1-назорат гуруҳи n=30	Аёллар	
		1-гуруҳ, n=30	2-гуруҳ, n=30
Умумий билирубин (ммоль/л)	$20,2 \pm 0,59$	$19,0 \pm 0,87$	$29,9 \pm 0,86^*$
АЛТ (ед/л)	$32,0 \pm 0,2$	$15,0 \pm 0,75^{***}$	$26,9 \pm 0,81^{**}$
АСТ (ед/л)	$28,0 \pm 0,08$	$31,1 \pm 0,73^{***}$	$25,5 \pm 0,94^*$
Ритис коэффиценти	0,87	1,45	0,94
ГГТП (ед/л)	$12,3 \pm 2,2$	$28,8 \pm 2,83^*$	$296,9 \pm 33,3^*$
Ишқорий фосфатаза (ед/л)	$40,1 \pm 1,3$	$43,5 \pm 3,45$	$246,1 \pm 33,3^*$


Изох:* - соғломлар гуруҳига нисбатан ишончли ($P < 0,05 - 0,001$)

Аёлларда аспартатаминотрансфераза (АСТ) 1-гуруҳда $31,1 \pm 0,73$ ед/л гача бўлиб, умумий билирубин концентрациясининг пасайиши билан бирга кузатилган ($P < 0,05$). 2-гуруҳ аёлларда АСТ кўрсаткичи $25,5 \pm 0,94$ ед/л ташкил этган бўлиб, назорат гуруҳи натижаларига $-28,0 \pm 0,08$ ед/л нисбатан аҳамиятли пасайиши аниқланган ($P < 0,05$, 3-жадвал, 3-расм.)



3-расм. ХС билан касалланган аёлларда қон биокимёвий спектри

ХС келиб чиқишининг дифференциал диагностикаси учун жигар шикастланиши маркерларини таҳлил қилиш гамма-глутамил трансептидаза (ГГТП) даражасининг 1-гуруҳ аёлларида 2,34 маротаба, 2-гуруҳ ХС бўлган аёлларда эса 2,42 маротаба назорат гуруҳига нисбатан ($12,3 \pm 2,2$ ед/л) ошганлиги исботланган ($P < 0,05$), 4-расм.



4-расм. ХС билан касалланган аёлларда қон биокимёвий кўрсаткичлари

ХС билан касалланган аёлларда ишқорий фосфатаза (ИФ) нинг назорат гуруҳига нисбатан ($40,1 \pm 1,3$ ед/л) 2-гуруҳда 6,14 баравар ($P < 0,05$) баланд бўлганлиги аниқланган. 1-гуруҳ аёлларида эса ИФ назорат гуруҳи

қийматларига яқин бўлиб, ошиш тенденциясига мойил бўлган: $43,5 \pm 3,45$ ед/л ва $40,1 \pm 1,3$ ед/л.

Шундай қилиб, ХС бўлган аёлларда қон биокимёвий тахлили натижасида олинган маълумотлар ўрганилганда билирубин алмашинувиининг бузилиши ва жигардан ташқари ХС бўлган аёлларда (1 гурух) Ритис коэффицентининг 1,45 гача кўтарилиши аниқланган. Жигар ичи холестази бўлган аёлларда ГГТП ва ишқорий фосфатаза даражасининг кескин ўсиши кузатилади, бу ҳар қандай этиологияли жигар шикастланиши борлиги ҳақида далолат беради.

4-жадвал


ХС билан касалланган эркакларда қон биокимёвий спектри, ($M \pm m$)

Кўрсаткичлар	1-назорат гуруҳи n=30	Эркаклар	
		1-гр, n=30	2-гр, n=30
Умумий билирубин (ммоль/л)	$14,2 \pm 0,66$	$19,6 \pm 0,77^*$	$24,0 \pm 0,43^{***}$
АЛТ (ед/л)	$31,2 \pm 0,2$	$27,2 \pm 1,10^*$	$29,4 \pm 0,86^*$
АСТ (ед/л)	$24,2 \pm 0,11$	$25,8 \pm 0,8$	$26,6 \pm 1,04^*$
Ритис коэффиценти	0,77	0,94	0,90
ГГТП (ед/л)	$22,3 \pm 1,2$	$51,1 \pm 5,95^*$	$303,3 \pm 36,4^*$
Ишқорий фосфатаза (ед/л)	$38,1 \pm 1,3$	$51,5 \pm 2,02^*$	$247,0 \pm 18,1^{***}$

Изох:* - соғломлар гуруҳига нисбатан ишончли ($P < 0,05 - 0,001$)

Тадқиқотга жалб этилган эркакларнинг қон параметрларини қиёсий баҳолаш умумий билирубин даражасининг 1-гуруҳда $19,6 \pm 0,77$ ммоль/л ва 2-гуруҳда $24,0 \pm 0,43$ ммоль/л назорат гуруҳига $14,2 \pm 0,66$ ммоль/л нисбатан сезиларли даражада ошганлигини кўрсатди.

Беморларда умумий билирубин кўрсаткичлари референс қийматлари даражасида бўлса-да, улар назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада ошган (4-жадвал). Шунда статистик аҳамиятга эга бўлган АЛТ ферменти даражасининг эркакларда 1-гуруҳда $27,2 \pm 1,10$ ед/л ($P < 0,05$) гача , 2-гуруҳда $29,4 \pm 0,86$ ед/л гача назорат гуруҳига нисбатан пасайиши $-31,2 \pm 0,2$ ед/л аниқланган, 5-расм.



5-расм. ХС билан касалланган эркекларда қон биокимёвий спектри

ХС билан касалланган 1-гурух эркекларда АСТ назорат кўрсаткичлари билан бир хил натижаларни кўрсатган, 2-гурухда эса $26,6 \pm 1,04$ ед/ л гача юқори даражани, назорага нисбатан $24,2 \pm 0,11$ ед/л, ишончли натижалар силжиши тасдиқланган $P < 0,05$ (4-жадвал, 5-расм).

Ритис коэффициенти (АСТ/АЛТ) иккала гуруҳдаги эркекларда нормал назорат гуруҳида (0,77), ва шунга мос равишда биринчи ва иккинчи асосий гуруҳларда 0,94 ва 0,90 қийматларини кўрсатган, бу ХС бўлган эркекларда жигар деструкцияси йўқлигини англатади.

1-гурух эркек беморларда ГГТП 2,29 маротаба ($P < 0,05$), ва 2-гурухда эса 13,6 маротаба соғлом кишилар кўрсаткичларига $22,3 \pm 1,2$ ед/л, $P < 0,05$ нисбатан ошганлиги аниқланган (5-расм).

Ишқорий фосфатаза фаоллиги 1-гурух эркекларда 1,35 маротаба ($P < 0,05$) 2-гурухда 6,48 маротаба ($P < 0,001$) юқори бўлганлиги кузатилган, 4-жадвал.

Шундай қилиб, жинсни инобатга олган ҳолда ХСда қоннинг биокимёвий кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш, аёлларда ПЗЛП ошиши ва висцерал ёғ ҳосил бўлиши билан органларга липид транспортировкаси фаоллашиши фонида содир бўлишини аниқлашга имкон берди.

Холестазаинг экстрагепатик шаклида ПЗЛП ҳисобига умумий холестерин миқдорининг кўпайиши, гамма-глутамил-транспептидаза (ГГТП) нинг 2,34 маротаба ошиши, АСТ концентрациясининг ошиши, АЛТ ферментининг 2,13 маротаба камайиши ва Ритис коэффициентининг 1,45 бараварга қўтарилиши кузатилган.

Аёл беморларда жигар ичи ХСда жигардан ташқари шаклидан фарқли ўлароқ, ГГТП нинг 24,2 маротаба, ИФ нинг 6,14 маротаба ошиши, АЛТ ва АСТ концентрациясининг эса 1,2 маротаба пасайиши аниқланган.

Эркакларда ХС ривожланиш механизми гипергликемия ва дислипидемия жараёнлари билан боғлиқ. Бу умумий билирубин даражасининг ошиши, АЛТ ферменти даражасининг пасайиши, ПЗЛП ва ЮЗЛП кўпайиши туфайли атерогенлик индексининг пасайиши, холестерин туридан қатъи назар, эркакларда ишқорий фосфатазанинг кўпайиши билан тавсифланади. Эркакларда ХС нинг жигар ичи шаклида ТГ даражасининг ошиши кузатилади, бу ўз навбатида таркибида ТГ кўп миқдорда бўлган озиқ овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш мониторингини талаб қилади.

Яллиғланиш цитокинлари синтезини ўрганиш натижасида тадқиқот гуруҳларида IL-1 даражасининг назорат гуруҳи билан солиштирганда- $21,03 \pm 1,05$ пг/мл 1-гуруҳ аёлларида 2,76 маротаба ($P < 0,05$), 2-гуруҳ аёлларида эса 19,5 маротаба ошганлигини кўрсатган ($P < 0,01$), 5-жадвал.

5-жадвал

ХС билан касалланган аёлларда ўсиш ва зарарланиш омиллари


курстакичлар	Назорат гуруҳи n=30	Аёллар	
		1-гр, n=30	2-гр, n=30
IL-1, пг/мл	$21,03 \pm 1,05$	$58,2 \pm 3,78^*$	$409,2 \pm 38,7^{**}$
IL-6, пг/мл	$95,5 \pm 1,8$	$61,6 \pm 9,21^*$	$148,6 \pm 12,05^*$
IL-10, пг/мл	$11,0 \pm 1,1$	$21,1 \pm 1,5^*$	$22,1 \pm 1,58^*$
TGF- β 1, пг/мл	$10,0 \pm 1,5$	$22,3 \pm 1,94^*$	$374,2 \pm 35,6^{**}$
VEGF, пг/мл	$92,4 \pm 11,5$	$109,3 \pm 16,35$	$150,3 \pm 31,6$

Изоҳ: * - соғломлар гуруҳига нисбатан ишончли ($P < 0,05 - 0,001$)

Шунда IL-6 синтези 1-гуруҳ аёлларида 1,5 бараварга пасайган ($P < 0,05$), 2-гуруҳ аёлларида эса IL-6 аксинча 1,55 баравар ошган ($P < 0,05$), назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич - $95,5 \pm 1,8$ пг/мл ташкил этган, 6-расм.

Яллиғланишга қарши цитокинлар синтези ҳолатини ўрганиш учун беморларда ИЛ- таҳлил қилинди. Натижада, 1-гуруҳ аёлларида 1,9 баравар, 2-гуруҳ аёлларида назоратга қарши 2,0 бараварга статистик жиҳатдан сезиларли ўсиш аниқланган, ($P < 0,05$).

ХСда цитокинларни ўрганиш натижалари, унинг туридан қатъи назар, холестаза бўлган аёллар организмнинг яллиғланишга қарши фаол иммун жавобини кўрсатади.



6-расм. ХС билан касалланган аёлларда цитокин статуси

ХСда яллиғланиш реакциясининг табиати ва динамикасини ўрганиш учун TGF-β1 ўсиш омилининг 1-гурух аёл беморларда 2,23 баравар, 2-гурухда эса 3,74 баравар ошганлиги аниқланган ($P < 0,01$).

Бинобарин, холестазда қон томирлари ва ички органларнинг фиброзини ривожланиш хавфи юқори, айниқса жигар ичи холестази бўлган аёлларда яққол намоён бўлади. Коморбидликда ХС ривожланишининг патогенетик механизмларини ҳисобга олган ҳолда, артериал гипертензия (АГ) фонида кечган холестазда, тадқиқот гуруҳидаги беморларнинг қон томир эндотелиал ўсиш омили (VEGF) даражаси аниқланган. Натижада, VEGF тегишли назорат гуруҳи қийматларининг жигардан ташқари холестази бўлган аёллар гуруҳи кўрсаткичларига деярли тенг бўлиши ва жигар ичи ХС шаклида назорат гуруҳи натижаларига нисбатан 1,6 баравар ошганлиги тасдиқланган (6-расм).

Шундай қилиб, аёлларда ХС кечиши ва касалликнинг истиқболи ички органлар фиброзининг юқори хавфи билан боғлиқ. Шу билан бирга, аёлларда фибрознинг ривожланишини кўрсатадиган TGF-β1 чегара даражаси экстрагепатик холестазда -22,3 пг/мл, интрагепатик шаклида эса 374,2 пг/мл ни ташкил этган.

Дунё олимлари томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларини юқоридаги маълумотлар билан солиштирганда, ХСда юрак-қон томир касалликлари ва бошқа ички органларнинг фиброзли патологиясини ривожланиш хавфи юқори эканлиги исботланган. TGF-β1 концентрацияси аёлларда ХС турига боғлиқ эмас, шу билан бир қаторда TGF-β1 нинг юқори кўрсаткичлари холестазнинг жигар ичи шаклида қайд этилган.

Бинобарин, аёлларда ХС нинг кечиши ва оқибати ёндош касалликлар ва метаболик статусга боғлиқ бўлиши исботланган.

Шундай қилиб, аёлларда ХСнинг ривожланиш механизми яллиғланиш цитокинлари (IL-1, IL-6) ва TGF-β1нинг синтези кучайиши билан чамбарчас боғлиқ.

ХС билан касалланган постменопауза давридаги аёлларда юрак, буйрак

ва жигар фибросклерозини ривожланиш хавфи юқори ҳисобланади. ХС билан оғриган аёлларда ички органларнинг фибрози хавфини эрта аниқлаш, жигар циррози ва юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш учун ўсиш омиллари ва яллиғланиш маркерларининг фаоллигини мунтазам равишда текшириш ва ўрганиш муҳимдир.

ХС прогнози ва кечишидаги гендер хусусиятлари ҳамда фарқларини ўрганиш учун ХС билан оғриган эркакларда цитокин статуси баҳоланган.

Яллиғланиш цитокинлари синтези ҳолатини баҳолаш IL-1 концентрациясининг 1-гурух эркакларда назоратга нисбатан ($23,1 \pm 1,1$ пг/мл), 7,58 маротаба ($P < 0,001$), ва 2-гурухда $4,96$ маротаба ошиши кузатилган ($P < 0,001$) 6-жадвал.

6-жадвал

ХС билан касалланган эркакларда цитокинлар ҳамда ўсиш ва зарарланиш омиллари

Курсаткичлар	Назорат гурухи n=30	Эркаклар	
		1-гр, n=30	2-гр, n=30
IL-1, пг/мл	$23,1 \pm 1,1$	$175,3 \pm 3,37^{***}$	$114,6 \pm 5,4^{***}$
IL-6, пг/мл	$102,2 \pm 1,2$	$160,2 \pm 5,3^{**}$	$49,2 \pm 4,5^{**}$
IL-10, пг/мл	$14,4 \pm 1,3$	$15,8 \pm 0,55$	$24,6 \pm 1,08^*$
TGF- β 1, пг/мл	$18,0 \pm 1,5$	$225,1 \pm 28,2^*$	$266,3 \pm 39,3^*$
VEGF, пг/мл	$94,4 \pm 3,5$	$201,6 \pm 19,8^*$	$126,7 \pm 15,1^*$

Изоҳ: * - соғломлар гуруҳига нисбатан ишончли ($P < 0,05 - 0,001$)

ХС билан касалланган эркакларда дисцитокинемия аниқланган бўлиб, IL-6 синтези 1-гурухда 1,57 бараварга ошган ($P < 0,01$), 2-гурухда эса 2,1 баравар соғлом кишиларга нибатан пасайган ($P < 0,01$), назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич- $102,2 \pm 1,2$ пг/мл ташкил этган.


Бизнинг тадқиқотларимизда 1-гурух эркакларида (жигардан ташқари холестазда) IL-6 даражасининг ошиши фибросклероз ва жигар циррози хавфи юқори эканлиги тасдиқланган.

